

ТУРИЗМНИ ТАРКИБ ТОПИШИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ

Мавлиддинов Рамзидин Рахматуллоевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура тингловчиси, капитан

Аннотация: Ушбу мақолада туризм тушунчаси, унинг таркиб топиши ҳақида сўз боради. Шунингдек давлатларда туризм хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний асосари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: туризм, таркиб топиш, саёхлар, туризм принциплари, туризм хавфсизлиги.

Аннотация: В данной статье говорится о понятии туризма и о его составе. Также обсуждаются правовые основы обеспечения туристической безопасности в странах.

Ключевые слова: туризм, поиск контента, туристы, принципы туризма, безопасность туризма.

Annotation: This article talks about the concept of tourism and its composition. The legal framework for ensuring tourist safety in countries is also discussed.

Keywords: tourism, content search, tourists, principles of tourism, tourism safety.

Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, каммунал хўжалиги, майший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари шулар жумласидандир. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очар масканлар индустрясини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олади.

Туризм ўзида жаҳон иқтисодиётининг мураккаб ва мажмуавий соҳаларини мужассам этганки, бу бутун жаҳон хўжалигига сезиларли таъсир ўтказади. Алохида мамлакатлар хўжалигига ҳам, худудларга ҳам у бирдай тегишли. Айрим мамлакатларда халқаро туризм валюта тушумларининг ягона манбаи ҳисобланади. Унинг шарофати билан иқтисодий тараққиёт юқори даражаси ва халқ турмуш фаровонлиги қўллаб-қувватланиб турилади.

Туризм жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ягона тизим сифатида ривожланмоқда ва мамлакатлар бюджетига салмоқли даромад келтирмоқда. Шунингдек жуда кўпчилик туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ

жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга ёрдам кўрсатади. Туризм на факат энг йирик, балки жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ҳолатда ривожланаётган секторларидан биридир. У тез суратларда ўсиши билан юз йилликнинг иқтисодий феномени сифатида тан олинган. XX аср иккинчи ярми давомида халқаро туристлар сони сал кам 28 марта кўпайган. Бу хизмат туридан тушумлар эса 237 марта ортган.

Бутун дунё бўйича туристик хизматларга ўсиб бораётган талаб энг аввало ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан изоҳланади (умумий даромадлар ўсиши ва бўш вақтнинг кўпайиши, ҳақ тўланадиган таътиллар муддати кўпайиши, нафақа таъминотининг етарли даражаси оила таркибини болалар камайиши эвазига ўзгариши кабилар). Шунингдек транспорт тараққиётидаги ўсиш, уни арzonлашиши ва ҳамманинг қурби этиши, валюта чекловларининг камайтирилиши ёки бекор қилиниши, виза режимининг либераллаштирилиши кабилар ҳам киради. Демак, туризм хозирги пайтда мамлқатлар учун энг муҳим соҳалардан бири сифатида қаралади.

Келинг энди туризм тушунчаси ўзи нима эканлиги ҳакида айтиб ўтсак. Хозирги замон хорижий илмий адабиётларида «туризм» тушунчасини аниқлашга турлича ёндошувлар мавжуд. Бу ёндошувларни турлича белгиларга қараб бир неча гурухларга бирлаштириш мумкин:

- туризм одамларни йўналиш бўйича аниқ обьектга ташриф бюриши ёки маҳсус қизиқишини қондириш ва доимий яшаш жойига қайтиб келиши ҳаракатларининг алоҳида шаклидир;
- туризм одамларни ҳаракатланиши (жойини ўзгартириши), уларни доимий яшаш жойида бўлмаслиги ва қизиқсан обьектида (сафарда) вақтинча бўлиши;
- туризм шахсни унинг ижтимоий-гуманитар функцияси орқали (тарбиявий, таълимий, соғломлаштириш ва спорт) амалга ошириладиган ривожланиши алоҳида шаклидир;
- туризм дам олишни, бўш вақтни ўтказишнинг оммавий шаклидир;
- туризм одамларга вақтинча доимий яшаш жойида (туризмни аниқлашга «самолёт» ёндошуви) бўлмаган пайтида хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик соҳасидир;
- туризм бозор сегменти сифатида истеъмолчиларга ўз маҳсулотлари ва хизматларини (маркетинг назарияси нуқтаи назаридан) таклиф этиш мақсадида анъанавий хўжалик тармоқлари (транспорт, умумий овкатланиш, меҳмонхона хўжалиги, маданият, савдо ва бошқа.) билан бозорга чиқади;
- туризм ҳодиса сифатида мутлақо дам олиш деб онгимизга сингиб кетган анъанавий тасавурларга сифмайди 1991 йил Оттава, Канадада булиб ўтган БТТ - Бутунжаҳон туристик ташкилоти саёҳат ва туризм статистикаси бўйича конференцияда концепция сифатида талаблар йўналиши танланди ва туризм

шундай белгиланиш олди: «Туризм - одатдаги мұхитдан ташқарыда дам олиш, ишга алоқадор ва бошқа мақсадларда бир йилдан күп бўлмаган даврда бўлган саёҳат ва жойларда бўлишни амалга оширган шахс фаолияти».

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Конунида ҳам туризм тушунчасига тариф бериб ўтилган. Унга қўра, туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши). Туризмнинг асосий принциплари қўйидагилардан бири – туристларнинг, экскурсантларнинг ва туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги ҳисобланади.

Шундай қилиб, туризмнинг ривожи билан сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борган сари мұхим ва зарурат масала сифатида қаралади. Ҳозирги кунда туризм соҳасида сайёҳларни жўнатувчи ва қабул қилиб оловчи ҳар бир мамлакат учун сайёҳларнинг дам олиш пайтларида, транспорт ҳаракати йўналишларида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ҳар бир мамлакат учун оддий, одатдаги ҳаётий ҳолда бўлмоғи зарур.

Халқаро келишилмовчиликлар ёки ҳарбий хатти ҳаракатлар, халқаро жиноятчилик, терроризм воқеа ва ҳодисалари халқаро туризм оқимиға нафақат тўқсинглик қиласи, балки унинг ривожига жуда катта зарба беради. Бу тўғрида халқаро туризмнинг асосий генератори (бошловчиси) бўлган ҳар бир мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлиги ўзларининг фуқаролари сайёҳатга борадиган мамлакатлардаги нохуш воқеа ва ҳодисалар тўғрисида хабардор қилиб бориши лозим. Сайёҳларни сайёҳатга борадиган мамлакатдаги меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналарининг санитария- гигиеник ҳолати, шу жумладан ичимлик суви тўғрисида объектив маълумотларини, юқумлик инфекцион касалликлар келиб чиқиши хавф-хатари тўғрисидаги зурурий маълумотлар билан олдиндан хабардор бўлиши керак.

Шундай экан, туризм соҳасидаги хавфсизлик ҳақида гапирганда, бу кенг, мураккаб ва кўп қиррали тушунча эканлигини таъкидлаш керак. Туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш турист билан содир бўладиган ҳар қандай воқеа содир бўлиши мумкин бўлмаган шароитларни яратиш учун пухта ўйланган, мақсадли ва комплекс чора-тадбирлар тизимиға асосланиши керак.

Туризмдаги хавфсизлик таҳдидлари ёки хавф омиллари шикастланиш хавфи, атроф-мухитга таъсир қилиш, ёнғин хавфи, биологик таъсирлар, психофизиологик стресс, радиациявий хавфлар, кимёвий таъсирлар, чанг ва газ билан ифлосланишнинг кучайиши ва ўзига хос ижтимоий ва сиёсий хавф омилларини ўз ичига олади. Шу муносабат билан туристик саёҳат хавфсизлиги

туристларнинг шахсий хавфсизлиги, уларнинг мол-мулкининг хавфсизлиги, шунингдек саёҳат давомида табиий муҳитга зарар етказмасликни ўз ичига олади.

Хўш, Ўзбекистон Республикасида туризм хавфсизлиги бўйича қандай нормалар мавжуд? Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Конуенинг 35-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида туристлар ва эккурсантларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда туристлар ҳамда эккурсантларнинг хавфсизлигини ва ҳимоя қилинишини, жамият ва давлат манфаатларини, туризмдан шахсларнинг қонунга хилоф миграцияси, уларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш ҳамда уларни бошқача тарзда эксплуатация қилиш мақсадида фойдаланишга қарши курашишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари туристлар ва эккурсантларнинг шахсий хавфсизлиги, уларнинг мол-мулки бут сақланиши, атроф табиий муҳитга, жамиятнинг моддий ҳамда маънавий қадриятларига, давлат хавфсизлигига зарар етказилишининг олдини олиш таъминланишини назарда тутади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари барча туристик йўналишлар бўйича туристлар ва эккурсантларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича худудий дастурлар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этади.

Туризм соҳаси субъектлари туристлар ва эккурсантларнинг хавфсизлигини таъминлаш, табиий оғатлар чоғида, улар жароҳатланганда, касалликка чалинганда ҳамда бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга тарзда ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Ваколатли давлат органи туроператорларни, турагентларни, туристлар ва эккурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристлар ҳамда эккурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид тўғрисида хабардор қилади, шунингдек хавфсизликка нисбатан таҳдид мавжуд бўлганлиги сабабли бориб кўриш учун тавсия этилмайдиган мамлакатлар (жойлар) рўйхатини оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Муассислари (ҳаммуассислари) давлат органлари бўлган оммавий ахборот воситалари ваколатли давлат органига туристлар ва эккурсантларнинг хавфсизлигига нисбатан таҳдид ҳақидаги ахборотни эълон қилиш имкониятини дарҳол ва бепул тақдим этади.

Туристлар ва эккурсантлар юқумли касалликларнинг юқори даражадаги хавфига учраши мумкин бўлган вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) саёҳатни

амалга ошириш бошлангунига қадар халқаро тиббий талабларга мувофиқ профилактиканың ўтиши шарт.

Туристлар ва экскурсантлар гурухларини кузатиб борувчи шахслар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дастурӣ асосда минимал тиббий тайёргарликка, тиббий буюмларга ҳамда дори қутичасига эга бўлиши шарт.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб шуни хulosа қилиш мумкинки, туризм тушунчаликни мамлакатларнинг иқсодий-ижтимоий ривожи учун энг катта атъсир кўрсатувси омиллардан бири сифатида кўрилади. Шу билан бирга туризмни таркиб топиш босқичи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари туризм хавфсизлиги бўйича ҳам қулай шарт-шароитлар яратиш, саёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мамлакатлар учун энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон.
2. Маматқулов Х.М., Бектемиров А.Б., Тухлиев И.С., Норчаев А.Н. «Халқаро туризм». Дарслик. Тошкент – СамИСИ. 2007 345 бет.
3. Безопасность туризма : учебник / А.Г. Бобкова, С.А. Кудреватых, Е.Л. Писаревский ; под общ. ред. д-ра юрид. наук. Е.Л. Писаревского. — М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. — 272 с.
4. Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2004г.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>